




ИМОМ БУХОРИЙ САБОҚЛАРИ



маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал





Имом Бухорий
халқаро маркази
аслини таърири

2016

№2



ИМОМ БУХОРИЙ САБОҚЛАРИ

Маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал

МУАССИС:
Имом Бухорий
халқаро маркази

Бош муҳаррир:

Шовосил ЗИЁДОВ

**Бош муҳаррир
ўринбосарлари:**

Отабек МУҲАММАДИЕВ,
Неъмат ЖАББОРОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

У.Алимов, О.Юсупов
А.Мансуров,
А.Бердимуродов,
А.Ҳасанов, Б.Абдуҳалимов,
А.Маннонов, Б.Матбобоев,
Б.Тўраев, Ж.Яхшиликков,
З.Исломов, З.Мунавваров,
И.Саидов, М.Муҳиддинов,
Н.Иброҳимов, У.Ғофуров,
Ш.Сирожиддинов,
У.Уватов, Б.Каримов

Илмий котиб:

Шуқурилло УМАРОВ

Мусахҳих:

Шокиржон ИСОҚОВ

Дизайнер:

Муҳаммадиқбол ШУКУРОВ

Журнал андазаси
таҳририятнинг компьютер
бўлимида тайёрланди.

Манзилимиз:

141306, Самарқанд вилояти,
Пайарик тумани,
Хўжа Исмоил шаҳарчаси.
Телефон: 0366-673-31-25,
+99893-355-76-64.
Факс: 0366-673-31-78.

Веб саҳифа:

www.bukhari.uz

E-mail:

buxoriy_saboqlari@mail.ru

Ўзбекистон Матбуот ва
Ахборот агентлигида
рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами - 0057

Берилган санаси -
07.01.2009 йил.

Нашр индекслари -
№ 946, № 947.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Дин ишлари
бўйича қўмитанинг
2016 йил 21 июн,
№ 3432 рақамли рухсати
билан нашр қилинди.

Журнал Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси хузуридаги
Олий Аттестация
Комиссиясининг илмий
журналлар рўйхатига
киритилган.

Таҳрир ҳайъати фикри
муаллифлар фикридан фарқ
қилиши мумкин.

Бир йилда тўрт
мартга чоп этилади.

Журналдан кўчириб босилганда
манба қайд этилиши шарт.

Босишга 27.06. 2016 да рухсат
берилди. Бичими 60x84 1/8.
Офсет босма усулида босилди.
Босма табоғи 6,5. Адади 1800.
Буюртма №187

“Polygraphy Gold Press” МЧЖ
“Картография” ИИЧДК
хамкорлигида чоп этилди.

Босмаҳона манзили:
100000, Тошкент шаҳри,
Зиёлилар кўчаси 6.

ИМОМ БУХОРИЙ САБОҚЛАРИ

Маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал

2016

№2



Имом Бухорий халқаро марказининг илмий нашри

МУНДАРИЖА:

Шовосил ЗИЁДОВ. Тошкентдаги Муқаддас “Усмон Мусхафи” хақида.....	4
Имом Бухорий халқаро марказига Давлат ижтимоий буюртмасини ажратиш хақидаги Сертификат топширилди.....	6
Отабек МУҲАММАДИЕВ. Диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик – бебаҳо тинчлигимиз гарови.....	7

АЖДОДЛАРНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

Олим ДЖУРАЕВ. Термизлик аллома – Абу Жаъфар Термизий.....	11
---	----

МАНБАШУНОСЛИК

Нодир ҚОБИЛОВ. Ахмад ибн Муҳаммад Қасталоний ва унинг “Шарҳи Қасталоний” асари.....	13
Хулқар УСМАНОВА. Масъуд Самарқандийнинг “Салоти Масъудий” асари – ислом манбашунослигининг ноёб дурдонаси.....	16

МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ


Пўлот ҚАҲХОРОВ. Одам савдоси – манфур жиноят.....	20
---	----

ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ

Мансур ҚУЛМАТОВ. Ёш авлодда муносиб ворисликнинг маънавий-диний жихатлари.....	23
Хуршид ДАНАБОЕВ. Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқарувини демократлаштиришнинг маънавий-ахлоқий асослари.....	26
Гулзираҳон КАРИМОВА. Миллий маънавият – ахборотлашган жамият шаклланишида асосий мезон сифатида.....	29
Гулсум ТАГИЕВА. Хизматлар самарадорлигини оширишда ижтимоий таъминот масалалари.....	32
Шахзода НЕГМАТОВА. Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг гуманистик моҳияти.....	35
Фазилат ҚҶЧҚОРОВА. Ёшлар ўртасида виждон эркинлигига оид ҳуқуқбузарликларни ўрганишнинг баъзи методологик тамойиллари.....	38

ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

Муборак ШОДМОНҚУЛОВА. Ўрта синф – мулкдорлар синфини шакллантириш.....	41
Раъно ТҶХТАЕВА. Бухоро ва Хоразм Республикаларида солиқ тизими.....	44
Рўзикул АБРИЕВ. Мустақиллик йилларида тарихий обидаларни таъмирлашда халқаро ҳамкорлик муносабатлари.....	46



Парда НОРБЎТАЕВ. Қашқадарё воҳаси бахшилари дostonларида болалик даври удумларининг акс этиши ва уларнинг этнографик хусусияти.....	49
Акмал БАЗАРБАЕВ. XIX аср охири - XX аср бошларида Жиззах воҳасида яйлов ерларидан фойдаланиш ва унга эгалик қилиш.....	52
Зиёдулло МУҚИМОВ. Амир Темур ва Темурийлар даврида қонунчилик.....	55
Рая НУРҚУЛОВА, Фаррух АҚЧАЕВ. Амир Темур ҳаёти ва фаолиятида зиёратгоҳларнинг тугган ўрни.....	58
Санобар ЖЎРАЕВА, Мақсуджон КОРЖОБОВ. Амир Темур даври меъморчилигида масжид-мадраса ва мақбаралар қурилишига эътибор.....	60
Римма ЗАМИЛОВА. Маънавий жасорат ва тарихий адолат.....	63

ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Мамажон МАМАТОВ. Мўътазилий дунёқарашнинг ислом тарихидаги ўрни ва аҳамияти.....	65
Хабибулло САГДИЕВ. Ҳанафия таълимоти асоссиз айблардан ҳимоя қилишдаги ақидавий қурашлар.....	68
Гулнора КАЗИМОВА, Фируз МУЗАФФАРОВ. Мухаммад Ғаззолий қарашларида ботиний йўлнинг тасаввуфдаги ўрни.....	72

ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

Хушвақт ДОНИЁРОВ. Диний эътиқод сиёсийлашувининг гносеологик омиллари.....	75
Махсуда НОРМАМАТОВА. Ижодиёт концепцияси ва виртуаллик: эпистемо-логик таҳлил.....	78
Исобек ШЕРМАНОВ. Маънавий ишлаб чиқариш – ижтимоий-фалсафий муаммо сифатида.....	82
Мунира КАХАРОВА. Ҳуқуқ фалсафаси ва маънавий-ахлоқий қадриятлар...86	
Хуршид САМАТОВ. Махдуми Аъзам Косоний тасаввуфий қарашларининг фалсафий таҳлили.....	88

ЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАР

Хусан ДЖУРАКУЛОВ. Фуқароларнинг экологик ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш омиллари.....	91
Жасур АКРАМОВ. Расму-л-мусҳаф илмининг юзага келиши ва шаклланиши тарихи.....	94

ИМОМ БУХОРИЙ РИВОЯТ ҚИЛГАН ҲАДИСЛАР

Олимхон Юсупов. Ота-онанинг фарзандига одоб ўргатиши ҳақида.....	97
--	----

ЯНГИ НАШРЛАР

Акмал САИДОВ. Умумжаҳон моддий-маънавий меросининг ноёб намуналари.....	98
---	----



АМИР ТЕМУР ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИДА ЗИЁРАТГОҲЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Ушбу мақолада Амир Темури ҳукмронлиги даврида муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларга давлат сиёсати даражасида берилган эътибор ва соҳибқироннинг зиёратгоҳларга бўлган муносабати ёритилган.

Таянч сўзлар: Миллий давлатчилик асослари, Амир Темури, муқаддас қадамжолар, Уйғониш даври

В данной статье освещаются вопросы внимания святыням на государственном уровне в эпоху Амира Темура и внимания сахибқирана к этим вопросам.

This article highlights the attitude of Tamburline the Great towards the premises and the consideration which was taken into in the level of state politics to holy places.

Миллий давлатчилик асосларимиз ангидан ривожлантирилаётган бугунги кунда тарихимизнинг барча соҳалари қаторида аждодларимиздан қолган меросимизни чуқур ва холисона тадқиқ этиш долзарб масалалардан бирига айланди. Зеро, ўзбек халқининг миллий давлатчилик тарихи минг йиллар аввал шаклланган бўлиб, бугунги кунда барпо этаётган демократик ҳуқуқий давлатчилик асосларимиз тарихнинг бизга берган тасодифий имконияти эмас. Тарихнинг қадим илдизлар бор жойда тараққиёт бўлиши ҳақидаги ўзгармас қонуниятлари мавжуд. Бу қоидалар бугунги кунда ўзбек давлатчилиги мисолида ўз ифодасини топмоқда. Дарҳақиқат, Президентимиз таъбири билан айтганда: “Буюк аллома ва мутафаккирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиқадиган жойда, аввало, илму маърифат, маданият ва маънавият ўчоқлари ривожланган бўлиши керак. Бўм-бўш жойда ҳеч қачон буюк цивилизация пайдо бўлмайди. Жаҳон тарихи буни кўп-кўп мисолларда исботлаб беради” [3: 114].

Истиқлол туфайли кўплаб аждодларимиз, давлат арбоблари ва тарихий шахслар қаторида биринчилардан бўлиб Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳам тарихимиздаги, умуман инсоният тарихидаги катта хизматлари муносиб баҳолана бошланди. Сабаби собиқ совет тузими даврида XIV асрнинг охири ва XV асрлардаги юксалишда Амир Темурнинг роли катта бўлса-да, унинг шахси, давлатчилик фаолияти, миллий ва жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни салбий жиҳатдан талқин этилган. Собиқ иттифоқ юритган бундай сиёсатнинг заминида ўзбек халқидан миллий туйғу, ўзликни англаш ғояларини тағ-томири билан йўқотиш мақсадлари яширинган эди.

Аслини олганда, Амир Темури ўз фаолияти давомида ўзбек ва дунё халқлари манфаатлари учун қуйидаги вазифаларни адо этди: биринчидан, юртимизда илдиз отган муғуллар зулмига узил-кесил барҳам берди. Иккинчидан, майда давлатларга бўлиниб кетган, тарқоқлик, ички урушлар ва адолатсизликлар ҳукм сурган Мовароуннаҳрни ягона давлатга бирлаштириб, унинг бошқарув асосларини

шакллантирди ва мустаҳкамлади. Учинчидан, қонун устувор бўлган жамият асосларини барпо этди. Тўртинчидан, салтанатнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий асосларини мустаҳкамлади. Бешинчидан, нисбатан қисқа вақт ичида Мовароуннаҳрни дунёнинг энг ривожланган давлатларидан бирига айлантирди. Олтинчидан, Осиё, Африка, Европа минтақаларидаги халқларнинг тинчлиги, фаровонлиги учун катта хизматлар қилди ва халқаро майдонда адолатни таъминлаш учун курашди. Еттинчидан, турли дин, миллат, элат вакиллари ўртасида ўзаро алоқаларнинг ўрнатилиши оқибатида биринчи марта ягона макон ва интеграция ғоялари шакллана бошлади ва шу аснода салтанатда ислом динининг илмий асосларига, бағрикенглик тамойилларига таянилиб, давлат бошқаруви амалга оширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Амир Темури ҳукмронлиги даврида давлат, жамият ва шахс манфаатлари уйғунлаштирилган, сиёсий, иқтисодий ва маънавий барқарорлик ўрнатилган. Давлат бошқарувининг муҳим соҳаларидаги фаолият ана шу мақсадлар йўлида ташкиллаштирилган ҳамда чиқарилган қонунлар ўз вақтида ижросини топган. Бунинг натижасида Амир Темури давлатида илм-фан, маънавият, меъморчилик ва санъат бекиёс даражада ривож топди ва фанда бу ҳақли равишда иккинчи Уйғониш даври деб талқин этилди.

Президент Ислам Каримов «Амир Темури бизнинг шаън-шавкатимиз, ғурури-ифтихоримиздир. Амир Темури-халқимиз даҳосини тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир» [1: V.167], – дея алоҳида таъкидлашига тарихда катта далил ва асослар мавжуд. Шунингдек, «Амир Темури-шахсини идрок этиш – тарихни идрок этиш демақдир. Амир Темурни англаш-ўзликимизни англаш демақдир. Амир Темурни улуғлаш – тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб буюк келажакига ишончимизни мустаҳкамлаш демақдир» [2: V.173].

Амир Темури шахс сифатида салтанат

тараққийетида катта сиёсий мавқега эга бўлган. У қатъиятли, олимлар ва пирларининг ёрдамига таянадиган, ҳар бир ишни маслаҳат ва машварат билан бажарадиган, сиёсий илмли, ақл-заковатли, адолатли, юксак ахлоқий сифатлар эгаси, тезкор ҳаракатлана оладиган, ҳар қандай вазиятларда ҳам ўз мақсадини амалга оширадиган, низо-камчиликларни бартараф эта оладиган, инсоннинг руҳиятини англай билган иродали инсон бўлган. Ўзига муҳолифатда бўлган кучлар билан келиша олгани ва кучли душманларининг куч-салоҳиятидан давлатни бошқаришда фойдалана билгани унинг энг муҳим ютуқларидандир.

Амир Темури давлат бошқарувида ислом дини ва шариат арконларини қаттиқ тутиб унга амал қилган. Мамлакат ҳудудидаги кўплаб азиз авлиёларни қабрларини обод қилиб уларни зиёратгоҳларга айлантирилганини биз тарихий манбаларда учратамиз. Жумладан, ўзининг ўғитларида "Авлиёлар, дин пешволарининг мазорлари ва мақбараларига вақфдан маблағ ажратсинлар. У ерларни гилам, таом ва чироқ билан таъминласинлар"[4: 35] деб фармон чиқарганлиги келтирилган. Амир Темури азиз-авлиёлар, шайхлар ва суфийларга чексиз меҳр-саховат кўрсатиб, улар учун мақбаралар, масжиди жомелар, дарвешлар макон топган хонақоҳлар қурилишида бош-қош бўлган. Соҳибқироннинг бу соҳадаги фаолияти Тошкентда ҳам ўчмас из қолдирган. Бу ерда Шайх Зайниддин Кўйи Орифоний номи билан боғлиқ муқаддас жой юзага келган. Авлиё мазори устига қурилган чоғроқ чортоқ ўрнига Амир Темури фармойиши билан XIV аср охирида мақбара қурилган. Тошкент яқинида Хожа Аҳмад Яссавийнинг муридларидан бири, Зангиота деб ном олган Ойхўжа ибн Тошхўжа ва унинг хотини Анбар бибининг мақбараларини ўз ичига олган мақбаралар мажмуи Амир Темури ҳомийлигида қурилган. Самарқанд тахтига Амир Темури ўтиргач Шоҳи зинда ансамблининг ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Амир Темури бу ердаги кўпгина, харобага айланган иншоотларнинг ўрнига янгисини қурди, кўпларини қайта таъмирлади, Қусам ибн Аббос қабри устига ҳашаматли қабртош ўрнаттирди. Шунингдек, соҳибқироннинг буйруғи билан бу ерда янги масжид ҳам барпо қилинди.

Бундан ташқари, Соҳибқирон Амир Темури қайси юртга борса ўша элнинг билимли, олим кишиларини эъзозлаган ва ҳурматларини жойига қўйган ва ўша жойдаги муқаддас

қадамжоларни зиёрат қилган. Зиёрат қилиш одати Соҳибқироннинг эзгу ғоясига айланганлигини куйидаги ҳикоятда ҳам кўришимиз мумкин. "Азиз авлиёлар, саҳобалар мақбараларини, қутлуг қадамжоларни зиёрат этмоқни ҳам фарз, ҳам қарз билур эрдим. Қайда бўлмай, зиёратгоҳлар олдида отдан тушиб, таҳорат олгач, яланг оёқ билан бориб, зиёратни ўринлатдим.

Аркону давлат, барча мулозимларим ҳам зиёратгоҳларни ана шундай тавоф этмоқни одат билишди"[4: 55-56].

Соҳибқирон тўғрисидаги ривоятларнинг бирида Амир Темури дунёга келишида уни омон қолишида муқаддас мазор билан боғлиқ куйидаги воқеа баён этилган. Унда айтилишича, дунёнинг етти подшоҳлигидан Бухорога элчилар келиб, Баёнқулихонга шу кечада туғилажак ўғил шу етти подшоҳликни забт этишини ва бунинг олдини олиш учун болани ўлдирмоқлозимлигини айтган. Бундан хабар топган Тегинабегим янги туғилган чақалогини олиб, Бухорони Файзи осор мазорига беркинади. Мазорга келган элчилар харчанд беркинмасинлар, болани ололмайдилар. Муборак қабр ичидан чиққан қўл уларни мазорга яқин келтирмаган экан [5: 52].

Соҳибқирон доимо юришлари олдида ва зафар билан қайтганида муқаддас зиёратгоҳ ва қадамжоларни зиёрат қилган. Инсон хотираси ҳамда қадрини ниҳоятда эъзозлаган.

Муаррих Шарафуддин Али Яздий 1396 йил 18 июнда Соҳибқироннинг беш йиллик юришидан сўнг Самарқандга кетаётганида Шаҳрисабз шаҳрига тушганлигини баён қилган: "Аму суйига етиб, кема била ўтуб, Хузур вилоятида келиб тушди. Харамлари Сароймулк хоним, Туман оға ва ўзга оғалар, олиё Султонбахт бегим ва шаҳзода Шоҳрур била ўтрув чиқиб келиб, давлати дийдорига мушарраф бўлдилар. Ва андин ҳазрат соҳибқирон кўчуб, Кеш вилоятига келиб, ўзи солғон кўшқда тушти. Ва тонгласи отланиб, мутабаррук мазорларнинг тавофиға борди. Аввал Шайх Шамсиддин Қулор қабрига бориб тавоф қилди ва андин сўнг ўзга азизларнинг мазорларига бориб, тавоф қилди ва андаги мужовирлари била фақир мискинларга кўб садақалар берди" [6: 82].

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Амир Темури даврида ҳам худди ҳозиргидек диний бағрикенгликка катта эътибор қаратилган ва диний мутаассибликка йўл қўйилмаган. Ҳар бир дин вакили ўз шаҳрида қандай ибодат қилса, Амир Темури давлати худудида ҳам шу ишларини бемалол бажара олган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И. Халқимиз бор экан, Амир Темури номи барҳаётдир. Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиши маросимида сўзланган нутқ./ Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Асарлар. – Т.: Ўзбекистон, 1997. Ж. 5.
2. Каримов И. Азалий буюклик маскани / Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Асарлар. – Т.: Ўзбекистон, 1997. Ж. 5.
3. Каримов И. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015.
4. Амир Темури ўғитлари. Сўз боши ва нашрга тайёрловчи Б.Аҳмедов. – Т.: Ўзбекистон, 2007.
5. Темуринома. Амир Темури Қурагон жангномаси. Сўз боши ва нашрга тайёрловчи П.Равшанов. – Т.: Қўлпон. 1990.
6. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. – Т.: 1997.